



SOCIAL STATE AND ITS SOCIAL PROTECTION POLICY (PHILOSOPHICAL AND LEGAL ESSENCE)

Mirkomil Akhmadovich Atavullaev

Associate Professor, Doctor of Philosophy (PhD)

National University of Uzbekistan

Tashkent, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: welfare state, social policy, social protection, democracy, differential laws.

Received: 08.09.23

Accepted: 10.09.23

Published: 12.09.23

Abstract: This article analyses the main tasks of the state, social protection policy, ensuring external and internal security of the social protection system, protection of citizens abroad and elimination of emergency risks. As well as the experience of countries recognised as modern welfare states, such as Sweden, Belgium, the Netherlands and Germany, is studied from a philosophical and legal point of view.

ИЖТИМОЙ ДАВЛАТ ВА УНИНГ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ СИЁСАТИ (ФАЛСАФИЙ-ҲУҚУҚИЙ МОҲИЯТИ)

Миркомил Аҳмадович Атавуллаев

доценти в.б., фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Ўзбекистон Миллий университети

Тошкент, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Кадит сўзлар: ижтимоий давлат, ижтимоий сиёсат, ижтимоий ҳимоя, демократия, дифференциал қонунлар.

Аннотация: Ушбу мақолада ижтимоий давлатнинг асосий вазифалари, ижтимоий ҳимоя сиёсати, ижтимоий ҳимоя тизимида ташқи ва ички Ҳавфсизликни таъмилаш, чет эллардаги фуқароларни ҳимоя қилиш ва фавқулоддаги ҳавфларни бартараф этиш масалалари таҳлил қилинган. Шунингдек, замонавий ижтимоий давлатлар ҳисобланган Швеция, Бельгия, Нидерландия, Германия каби давлатларнинг тажрибаси фалсафи-ҳуқуқий жиҳатдан ўрганилди.

СОЦИАЛЬНОЕ ГОСУДАРСТВО И ЕГО ПОЛИТИКА СОЦИАЛЬНОЙ ЗАЩИТЫ (ФИЛОСОФСКО-ПРАВОВАЯ СУЩНОСТЬ)

Миркомил Ахмадович Атавуллаев

Доцент, доктор философских наук (PhD)

Национальный университет Узбекистана

Ташкент, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: государство всеобщего благосостояния, социальная политика, социальная защита, демократия, дифференциальные законы.	Аннотация: В настоящей статье анализируются основные задачи государства, политика социальной защиты, обеспечение внешней и внутренней безопасности системы социальной защиты, защита граждан за рубежом и устранение чрезвычайных рисков. А также изучен опыт стран, признанных современными социальными государствами, таких как Швеция, Бельгия, Нидерланды и Германия, которые с философско-правовой точки зрения.
---	--

КИРИШ

Ижтимоий давлатнинг асосий вазифаларидан бири аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишдир. Капиталистик муносабатлар авж олган XIX асрда давлатнинг ролини инсонийлаштириш, уни жамият ичидаги антогонистик зиддиятларни ижтимоий тараққиёт томон йўналтириш илм аҳли диққатини торта бошлади. Бу борада турли, либерал-демократик, монархистик, конституционал, анархистик, демократик, марксистик назариялар юзага келди. Уларнинг илмий-фалсафий ва сиёсий моҳиятига оид кўплаб асарлар ёзилган (Қаранг: 1; 2;3). Улар ичида ижтимоий давлат назарияси муҳим ўрин тутди. Ижтимоий давлатнинг моҳияти ва функционал хусусияти махсус тадқиқотларда очиқ берилган (4; 5). И. Аристовнинг таъкидлашича, ижтимоий давлат жамиятдаги мулкий ва ижтимоий зиддиятларни яратилган бойликларни ижтимоий адолат тамойили асосида тенг тақсимлаш, бир қатламнинг ўта бойиб бошқа қатламнинг ўта қашшоқлашиб кетмаслигини таъминлаш учун мувозанат ўрнатиш, ижтимоий ҳимоянинг самарали усуллари яратиш орқали ҳал қиладиган институтдир (6,С.10-14).

АСОСИЙ ҚИСМ

Ижтимоий ҳимоя ранг-баранг институтлар, усуллар ва механизмлардан иборат.У жамиятнинг деярли барча соҳалари билан боғлиқ бўлиб, жамият аъзоларининг туб манфаатлари яшаш, меҳнат қилиш, билим олиш, оила қуриш, турар жойни эркин танлаш, фикрини эркин билдириш, сайловларда қатнашиш, истаган динга эътиқод қилиш кабиларни таъминлашни йўлга қўяди. Бу чора-тадбирларни амалга оширишни самарали

йўли ижтимоий ҳимоянинг кучли ҳуқуқий базасини яратишдир. Масалан, замонавий ижтимоий давлатлар бўлган Швеция, Бельгия, Нидерландия, Германия кабиларда нафақат умумий йўналишдаги ижтимоий ҳимоя қонунлари, шунингдек дифференциал кўринишдаги қонунлар, директ ва эдиктлар қабул қилинган. Уларда масалан, ҳомиладор ёки боқувчисиз қолган кекса аёлларни, нафақа ёшидаги кишиларни, етим болаларни, ногирон шахсларни қўллаб-қувватлашнинг ижтимоий-ҳуқуқий механизмлари ишлаб чиқилган. Швеция ва Бельгияда қонунлар ижтимоий ҳимоя комиссияси рухсатидан ўтгач парламентлар тасдиғига юборилди. Ижтимоий ҳимоя тизимига ташқи ва ички Хавфсизликни таъмилаш (мудофаа ва ички ишлар вазирлиги), чет эллардаги фуқароларни ҳимоя қилиш (ташқи ишлар вазирлиги, дипхизмат муассасалари), вафқулоддаги хавфларни бартараф этиш (вафқулодда ишлар вазирлиги, ёнгинга қарши курашувчи муассасалар), инсон саломатлиги ва узоқ умр кўришига қўмаклашиш (соғлиқни сақлаш вазирлиги, физкультура ва спорт қўмитаси, репродуктив саломатлик марказлари), иш вақтида, ундан кейин ва меҳнат таътилини таъминлаш (барча корхоналар, муассасалар), ўқувчи, талаба ва таълим олиш билан банд Фуқароларни қўллаб-қувватлаш (барча таълим-тарбия даргоҳлари, касаба уюшмалари, жамғармалар) киради. Хуллас, жамият ва давлатдаги барча тизимлар, институтлар ва идоралар у ёки даражада ижтимоий ҳимояни амалга оширади. Агар, шу нуқтаи назардан ёндашсак, давлат ҳар бир институт устига инсон манфаатларига хизмат қилиш ва Конституцион ҳуқуқларини ҳимоя қилишни вазифа қилиб юклайди. Бунинг учун у ҳар бир соҳага оид қонунларида инсон манфаатлари ва ҳуқуқларини устувор йўналиш, бош мақсад сифатида эътироф этади. Фақат Конституцияда эмас, балки ҳар бир қонунда, қонун ости ҳужжатларида, ҳукумат дастурларида инсон манфаатларига хизмат қилиш бош мақсад сифатида қайд этилади. Бу ўринда умуминсоний нормалар, гуманитар ҳуқуқ миллий қонунларда устуворлик қилади, улардаги гуманитар мақсадларга тааллуқли механизмлар миллий ҳуқуқ тизимига жорий этилади. Имплементация тажрибаларини қайта кўриб чиқиш ва ижтимоий давлатнинг кратологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда миллий ҳуқуқий базани шакллантириш талаб этилади.

Ижтимоий давлатнинг шаклланиши ўзидан ўзи рўй бермайди, унинг сиёсий-амалий тажрибаси мавжуд. Бу тажриба: 1) давлатчилик тарихи; 2) этносиёсий жараёнлар; 3) миллий менталитет; 4) кратологик изланишлар билан боғлиқдир.

1. Давлатчилик тарихи замонавий давлатни шакллантириш учун муҳим аҳамиятга эга. Ҳеч бир давлат қуруқ жойда, маълум бир тарихий тажрибалар таъсирисиз, соф тарзда пайдо бўлмаган. Ўзбекистонда шаклланадиган ижтимоий давлат ўзбек давлатчилиги,

ундаги миллий хусусиятларга мувофиқ шакллантирилган бошқариш усуллари, институтлари ва технологиясига таяниши объектив заруриятдир. Бироқ савол уйғонади, бу тарихдан нима, қандай бошқариш усуллари ўзлаштирилади? Тарихдаги барча усуллар ҳам ижтимоий давлатга тўғри келавермайди. Масалан, монархия ёки оилавий династияга мерос бўлиб ўтадиган шохлик бошқарувини ўзлаштириш ижтимоий давлатга мутлақ тўғри келмайди. Худуд ва шаҳарларни хусусий мулк қилиб бериш, ўзига яқинларни ҳоким қилиб тайинлаш каби усуллар ҳам унга бегона. Ижтимоий давлатга ижтимоий адолат, тенглик ва инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини эътироф этадиган, бошқариш институтлари ўз фаолиятини гуманистик қадриятларга қурадиган, синфий табақаланишга мутлақ қарши бўлган тажрибалар тўғри келиши мумкин. Бундай тажрибалар мужассам давлатни тарихдан топиш мушкул, демак, юқоридагилар айрим олган давлатда эмас, балки турли тузумлардаги бошқариш усулларида, турли кўриниш ва усулларда учрайди. Ушбу гуманистик, ижобий давлатчилик тажрибалари ва усуллари ўзлаштириш ижтимоий давлат вазифасига киради. Агар гап ўзбек ижтимоий давлати ва уни шакллантириш устида кетса, бу борада "Авесто"даги ижтимоий-сиёсий меросдан тортиб, то мустақилликгача (1991) бўлган давлатчилик тажрибаларини таҳлил қилишга, улардаги ижтимоий давлатга хос жиҳатларни ўрганишга илмий эҳтиёж пайдо бўлади. Бунда давлатчилик тажрибаларини шунчаки мисол, факт сифатида келтириш, ретроспектив таҳлил қилиш етарли эмас, бу борадаги ҳар бир фикр ва бошқариш усули фалсафий-ҳуқуқий нуқтаи назаридан ўрганилиши зарур.

2. Этносиёсий жараёнлар ҳақида ҳали илм-фан аниқ тасаввурларга эга эмас. Унинг айрим жиҳатлари Геродот, Фукидид, Плутарх Ибн Халдун, И.Гердер, А.Тойнби, Л.Гумилёв асарларида муҳокама қилинади, аммо улар этносиёсий жараёнлар ҳақида аниқ тасаввурлар уйғотмайди. Чунки у даврда этносиёсий жараёнларнинг ўзи нима эканлиги аён эмас эди. Н.А.Налчажён эъдон қилган этнополитологик тадқиқот натижалари эса муаммога оид изланишлардаги янгилик.(7). Шундай бўлса-да, этносиёсий жараёнлар мудом этнос, миллат ва давлатчилик билан узвий боғлиқ тарзда давом этиб келган. Масалан, Чор Россиясининг Ўрта Осиёга бостириб келиши этносиёсий жараёнларда ўзи аксини топмаслиги мумкин Иди? Ёки сталинизм қарор топтирган марказлашган маъмурий бошқариш этносиёсий жараёнларни ўз таъсирига олмаслиги мумкинми? Албатта, йўқ. Этносиёсий жараёнларда рўй берадиган ўзгаришларнинг ё ижобий ёки салбий воқелик сифатида пайдо бўлиши хусусиятларини, негизларини билиш ҳар бир миллий давлат учун муҳимдир. Ижтимоий тенглик ва адолат тамойиллари кишилар азалдан интилиб келган фаровон ҳаёт ва социал бирлик, ахиллик ва осойишталик

кафолатидир (8). Этносиёсий жараёнлар халқнинг, миллатнинг давлат ва жамият ишларига аралашуви, ўзи Иродаси ва мақсадини бошқариш тизимига сингдириш ифодаси сифатида ижтимоий давлатда ҳам ўзи ўрнини сақлаб қолади. Европа давлатлари ва Россия тажрибаси кўрсатаптики, демократиясиз, халқнинг сиёсий ҳаётда иштирокисиз ижтимоий давлат куриб бўлмайди (9). Ижтимоий давлат халқнинг, кишиларнинг сиёсий жараёнлардаги фаоллигига таянадиган, демократик институтлар ва кадриятларни қўллаб-қувватлайдиган, шу тарзда тенглик ва адолат тамойилларини қарор топтирадиган давлатдир.

3. Миллий менталитет этнопсихологик воқелик бўлса-да, у давлатчилик ёки ижтимоий тенглик ва адолатга куриладиган давлатни барпо этиш учун ўта муҳим омил ҳисобланади. Миллий менталитет давлат шаклига, унинг қандай тамойил ва мақсадларга хизмат қилаётганига бефарқ қола олмайди. Миллий менталитет миллий давлатнинг ҳам асоси, ҳам маҳсулидир. Улар диалектик уйғунликда келадиган ижтимоий ҳодисалардир. Агар улардан бири, айниқса давлатчилик таназзулга юз тутса, миллий менталитет ўзининг таянчини, шу пайтгача сақлаб келган идеални, "социомаданий ривожланиш истиқболини" йўқотади (10, С.411). Демак, ижтимоий давлат миллий менталитетга нафақат таянади, шу билан бирга у тасаввур этадиган "социомаданий ривожланиш истиқболи"ни ЯНГИ мазмун, моҳият ва идеал билан бойитиши ҳам зарур. Масалан, СССР тарқатилгач, миллий республикаларда яшовчи рус миллатига мансуб кишилар менталитетида парокандалик бошлангани сир эмас. Совет шовинизми таъсирида шаклланган менталитетида янги реалликка, яъни миллий давлат манфаатларини устувор ахамияти касб этишига кўникиши шарт эди. Бундай трансформациясиз жамиятда тенглик ва адолатни, ахиллик ва тараққиётни таъминлаш қийин эди. Давлатчиликдаги трансформация рус кишилари менталитетидаги ўзгаришларни ҳисобга олиб, жамиятда барқарорликни сақлаб қолади ва ўзининг ривожланишида янги босқичга ўтди. Миллий менталитетнинг тез объективлашиш ва давлатчиликка таъсир этишини унутиб бўлмайди.

4. Кратологик изланишларсиз ижтимоий давлатга оид қараш ва тасаввурларни шакллантириш қийин. Кратология давлат ҳокимияти, давлатчилик ҳақидаги назарий фандир. Ижтимоий давлат унинг предметиدير. Ўзбекистонда давлатчилик, давлат ҳокимияти борасида академиклар Х. Сулаймонова, Ҳ. Раҳмонкулов, А.Саидов, Г.А.Пугаченкова, В.С.Ртвеладзе, А.Бўриев, А.Асқаров, К.Шониязов, профессорлар У. Тожихонов, А.Жузжоний, И.Жаббаров, В.Алимасов, Ш.Мамадалиев, Ф. Мусаев, А.Зиё, Ҳ.Бобоев, С.Ҳасанов кабилар махсус тадқиқотлар ўтказишган. Улардаги фикрлар ва хулосалар кратология учун муҳимдир. Шу билан бирга, ижтимоий давлатни кратологик

нуқтаи назардан тадқиқ этиш ҳам вазифа бўлиб турибди. Ижтимоий давлатнинг ҳуқуқ феномени, бошқариш, иқтисодиёт, тадбиркорлик, маънавият, ҳудудларни маданий ва иқтисодий ривожлантириш, ижтимоий ҳимоя институтлари ва тизимларини ташкил этиш, таълим-тарбия каби соҳалар билан боғлиқ томонларини ҳам ўрганиш зарур. Кратология ушбу соҳаларга давлат назарияси нуқтаи назаридан ёндашади. Масалан, таълим-тарбия ижтимоий давлат нуқтаи назаридан ўзи функцияларини қандай бажаради? Таълим-тарбия тизими кишиларда бир бирига юксак ахлоқийлик, меҳр-муҳаббат ва гуманизм нуқта назаридан муносабатда бўлишни шакллантиришга даъват этилган. Бу тамойилларни у аввало жамиятдаги маънавий-ахлоқий императивлардан, давлатнинг стратегик мақсади бўлган комил авлодни вояга етказиш концепциясидан олади. Ижтимоий давлат таълим тарбия қандай бўлишига бефарқ қарай олмайди, у янги авлод тарбиясига бевосита аралашади, таълим-тарбияни самарали олиб бориш учун барча имкониятларини ишга солади. Масалан, 2023 йилдан бошлаб Қорақолпоғистон ва Хоразм вилояти мактаб ўқувчиларини бепул овқатлантириш тартиби жорий этилди. Бу давлатимизнинг ижтимоийлашув томон йўл тутганига бир мисолдир. Бундай мисолларни ҳар бир соҳадан, жар бир фуқаро, оила ва маҳалла ҳаётидан келтириш мумкин. Давлатимизнинг шундай ижтимоийлашув ишларини, яъни ижтимоий давлатга айланиб бораётганини ҳаётий мисоллар асосида ўрганиш кратологиянинг вазифасидир. Ижтимоий ҳимоя аввалги йилларда ҳам мустақил давлатимизнинг вазифаларидан бири бўлиб келган. Аммо Янги Ўзбекистонда у кенг воқеликка, давлат сиёсатининг устувор йўналишига, турли қатламлар манфаатларини тенглик ва адолат, умумий фаровонлик тамойили асосида уйғунлаштириш, жамият тараққиётига эришиш тактикасига айланди. Президентимиз илгари сурган Тараққиёт стратегияси умумий фаровонлик тамойилини ҳаётга тадбиқ этиш орқали реал воқеликка айланади.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎХАТИ

1. Власть. Очерки западной философии.-Москва: Политиздат, 198.
2. Гаджиев К.С. Политическая философия. -Москва: Инфра пресс, 1999.
3. Нуденко Л.А. Теория демократик. -Москва: Юрист, 2001.
4. Қаранг: Тожихонов У., Саидов А. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Том 1. -Тошкент: Адолат, 1997.
5. Теория государства и права. -Москва: Юрист, 1999.
6. Аристов И.А. Социальное государство: формы, виды и функции. -Москва: Юрайт, 2016.
7. Налчаджян Н.А. Этнополитология. СПб.: Питер, 2006.

8. Корзина Ю. Социальное государство: становление и развитие шведской модели. - Москва: Lap Laaplamberd Academic Publistig GmbH, 2013.
9. Социальное государство: Россия и европейский опыт. Под ред. А.Ф.Храмцова. - Москва: Институт срав.политологии, 2017.
10. Этнопсихологические проблемы: вчера и сегодня. Хрестоматия. -Минск: Харвест, 2004.